

**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.17/30.12.2019.Т.06.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

ХАСАНОВ ОБИД АБДУЛЛАЕВИЧ

**НОТУРҒУН АТРОФ ТОҒ ЖИНСЛАРИ ОРАСИДА ЁТГАН КИЧИК
ҚАЛИНЛИКДАГИ ТОМИРСИМОН КОНЛАРНИ ЕР ОСТИ УСУЛИДА
ҚАЗИБ ОЛИШДА МАССИВДАН АЖРАТИБ ОЛИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ АСОСЛАШ ВА ИШЛАБ ЧИҚИШ**

04.00.10 – Геотехнология (очик, ер ости ва қурилиш)

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам**

**Contend of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
of technical sciences**

Хасанов Обид Абдуллаевич

Нотурғун атроф тоғ жинслари орасида ётган кичик қалинликдаги
томирсимон конларни ер ости усулида қазиб олишда массивдан ажратиб
олиш технологиясини асослаш ва ишлаб чиқиш.....3

Хасанов Обид Абдуллаевич

Обоснование и разработка технологии отбойки при подземной разработке
маломощных жильных месторождений, залегающих в неустойчивых
вмещающих породах.....19

Khasanov Obid Abdullaevich

Justification and development of the technology of breaking in the underground
mining of thin vein deposits occurring in unstable host rocks.....33

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 37

**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.17/30.12.2019.Т.06.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

ХАСАНОВ ОБИД АБДУЛЛАЕВИЧ

**НОТУРҒУН АТРОФ ТОҒ ЖИНСЛАРИ ОРАСИДА ЁТГАН КИЧИК
ҚАЛИНЛИКДАГИ ТОМИРСИМОН КОНЛАРНИ ЕР ОСТИ УСУЛИДА
ҚАЗИБ ОЛИШДА МАССИВДАН АЖРАТИБ ОЛИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ АСОСЛАШ ВА ИШЛАБ ЧИҚИШ**

04.00.10 – Геотехнология (очик, ер ости ва қурилиш)

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Т675 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенашнинг веб-саҳифасида (www.ndki.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Норов Юнус Джумаевич

техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Мислибаев Илхом Туйчибаевич

техника фанлари доктори, профессор

Махмудов Дилмурод Раҳматжонович

техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Етакчи ташкилот:

**Миллий тадқиқот технологик университети
«МИСиС»нинг Олмалиқ шаҳридаги филиали**

Диссертация ҳимояси Навоий давлат кончилик институти ҳузуридаги DSc.17/30.12.2019.Т.06.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил 17 апрел соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 210100, Навоий шаҳри, Ғалаба шох кўчаси, 127. Навоий давлат кончилик институти мажлислар зали. Тел.: 0 (436) 223-23-32; факс: 0 (436) 223-49-66; e-mail: info@ndki.uz, nsmi@gmail.com.

Диссертация билан Навоий давлат кончилик институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (71 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 210100, Навоий шаҳри, Ғалаба шох кўчаси, 127. НДКИ ректорати биноси, 1-қават Тел.: 0(436)223-56-90; факс: 0(436) 223-00-55.

Диссертация автореферати 2021 йил 3 апрел куни тарқатилган.

(2021 йил 3 апрел №32 рақамли реестр баённомаси).



[Signature]

Қ.С.Санақулов

Илмий даражалар берувчи

Илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

[Signature]

Ш.Ш. Заиров

Илмий даражалар берувчи

Илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., профессор

[Signature]

И.Т. Мислибаев

Илмий даражалар берувчи

Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда қалинликдаги томирсимон руда конлари мураккаб геологик туз захираларнинг нотекис тақсимланиш, қазиб олиш бўшлиғи ўлчамларининг жуда ҳам чекланиши, руда ва атроф тоғ жинслари мустаҳкамлигининг ўзгарувчанлиги каби ўзига хос хусусиятларга эга. Томирсимон руда конларини қазиб олишнинг анъанавий технологияси меҳнат унумдорлигининг пастлиги, руда ва металл йўқотилишининг катталиги ҳамда сифатсизланиш даражасининг юқорилиги билан тавсифланади. Бугунги кунда кичик қалинликдаги томирсимон конларни қазиб олиш технологиясини такомиллаштириш ва нотурғун атроф тоғ жинслари орасида ётган кичик қалинликдаги томирсимон рудаларни қазиб олишнинг самарали ва хавфсиз технологиясини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Дунёда кичик қалинликдаги томирсимон руда конларини ер ости усулида қазиб олишда рудаларни парчалаш технологиясини ишлаб чиқиш, томирсимон руда конларини ер ости усулида қазиб олишда оддий таркибли портловчи моддаларни қўллаш, рудаларни ҳар хил турдаги портловчи моддалар билан парчалашда атроф тоғ жинсларининг аралашиб кетиш коэффициенти ва руда нисбий сифатсизланиш коэффициенти ўзгаришининг шпур заряди диаметрига боғлиқлигининг илмий асосларини ишлаб чиқиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, томирсимон руда конларини ер ости усулида қазиб олишда портловчи модда шпур зарядларининг янги конструкциясини яратиш ва кичик қалинликдаги томирсимон конларни ер ости усулида қазиб олишда рудани массивдан ажратиб олиш технологиясини ишлаб чиқиш зарур.

Республикамизда нотурғун атроф тоғ жинслари орасида ётган кичик қалинликдаги томирсимон руда конларини ер ости усулида қазиб олишда массивдан рудани ажратиб олиш, портлатиш технологияларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, руда сифатсизланиш даражаси паст бўлишини таъминловчи портлатиш усулини ишлаб чиқиш ва бошқалар бўйича ишлар бажарилган бўлиб, бир қатор илмий-амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш»¹ бўйича вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, нотурғун атроф тоғ жинслари орасида ётган кичик қалинликдаги томирсимон руда таналарини ер ости усулида қазиб олишда бурғилаш-портлатиш

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони

ишларини олиб боришнинг ресурсларни тежовчи технологиясини ишлаб чиқиш катта илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги 2015 йил 4 мартдаги ПФ-4707-сон «2015-2019 йилларга мўлжалланган, ишлаб чиқаришни структуравий қайта тузиш, диверсификациялашни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастури» тўғрисидаги Фармонлари ва 2019 йил 17 январдаги ПҚ-4124-сон «Кон-металлургия саноати корхоналари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республикада фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VII. «Ер тўғрисидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хомашёларни қайта ишлаш)» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. М.И. Агошков, И.А.Артеменко, А.Ф.Беляев, Ю.П. Гальченко, Л.В.Дубнов, А.Н.Дремин, Р.П.Коплунов, Г.А. Курсакин, В.М. Лизункин, А.И.Ляхов, Г.М.Малахов, Л.А.Мамсуров, А.Ф.Назарчик, И. А.Олейников, Л.П.Орленко, А.М.Павлов, В.Р.Рахимов, Д.И.Рафиенко, К.Н.Трубецкой ва бошқа олимлар томирсимон руда конларини қазиб геотехнологиясини ривожига ва такомиллаштиришга катта ҳисса қўшганлар.

Томирсимон руда конларини қазиб олиш геотехнологияси бўйича ўрганилган тажрибалар ва ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, кон массивини портловчи модда зарядини портлаши таъсирида парчаланиш ҳудудлари назарий асослари етарлича ўрганилмаган ва тадқиқ қилинмаган, томирсимон руда конларини қазиб олишда оддий таркибли портловчи моддаларни қўллашни тадқиқ қилиш, шпурли портловчи модда заряди янги конструкцияларини яратиш бўйича тадқиқот ишлари етарли ҳажмда олиб борилмаган.

Шу сабабли тоғ жинси массивини портлатиб парчалашда оддий таркибли портловчи модда зарядларидан фойдаланиш ва портловчи модда шпур заряди янги конструкцияларини яратиш ҳозирги вақтда муҳим аҳамият касб этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети Олмалиқ филиали илмий-тадқиқот режасининг «Шахталар бузилиш ҳудудларида портловчи модда скважина зарядларини оммавий портлатиш билан тоғ жинсларини майдалаш усуллари ишлаб чиқиш ва бурғилаш-портлатиш ишлари самарали кўрсаткичларини аниқлашнинг илмий асослари (2017-2019 йй.)» ва «Шахталарда кон ишларини олиб

боришнинг самарали технологик схемаси ва кон ишлари ривожланишининг оқилона йўналишини ишлаб чиқиш (2017-2019 йй.)». мавзуларидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади нотурғун атроф тоғ жинслари орасида ётган кичик қалинликдаги томирсимон руда конларини ер ости усулида қазиб олишда кон ишларининг хавфсиз олиб борилиши ва тоғ жинсларини шпурли зарядлар портлаши таъсирида майдаланиш самарадорлигини таъминловчи технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

кичик қалинликдаги томирсимон руда конларини ер ости усулида қазиб олишда рудаларни парчалаш технологиялари бўйича адабиётларни таҳлил қилиш;

томирсимон руда конларини ер ости усулида қазиб олишда портловчи модда заряди портлаши таъсирида кон массиви парчаланиш ҳудуди ўлчамларининг ўзгаришини назарий тадқиқ қилиш;

томирсимон руда конларини ер ости усулида қазиб олишда оддий таркибли портловчи моддаларни қўллашни тадқиқ қилиш;

томирсимон руда конларини ер ости усулида қазиб олишда портловчи модда шпур зарядларининг янги конструкциясини яратиш ва тадқиқ қилиш;

ишлаб чиқилган портловчи модда шпур заряди янги конструкциясини саноат шароитига тадбиқ этиш ва унинг самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида нотурғун атроф тоғ жинслари орасида ётган кичик қалинликдаги томирсимон руда конларини ер ости усулида қазиб олиш белгиланган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида бурғилаш-портлатиш ишларини олиб бориш усуллари ва параметрлари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Ишда тадқиқотнинг лаборатория ва ишлаб чиқариш шароитларида назарий, хронометражли ва тажрибавий тадқиқотлари, тизимли таҳлил ва синтез усуллари, математик моделлаштириш, тадқиқот натижаларини математик статистика ва корреляцион таҳлил қилиш каби усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

портлаш вақтида тоғ жинси массиви ичида юзага келадиган дарзликлар ҳосил бўлиш ҳудуди максимал радиуси портловчи модда заряди радиусига, портлатиш шароитини ҳисобга олувчи коэффицентига, тоғ жинсларининг акустик қаттиқлиги ва Пуассон коэффицентига тўғри пропорционаллиги ҳамда чўзувчи радиал кучланишга тескари пропорционаллиги аниқланган;

кичик диаметрли шпурлардан фойдаланилганда рудаларни Игданит ёрдамида парчалашнинг асосий кўрсаткичлари доимий қўлланиладиган портловчи моддалар билан таққосланганда, зарядда энергия концентрацияси юқори бўлиши ҳисобига сезиларли даражада юқори бўлиши аниқланган;

катта диаметрли Игданит заряди ёрдамида ва юқори бризантли Детонит 15А10 зарядлари ёрдамида парчалаш кўрсаткичлари тавсифига яқин бўлиши ҳамда руда сифатсизланиш кўрсаткичининг тоғ жинси мустаҳкамлик

коэффициентига боғлиқлиги исботланган;

ҳар хил турдаги Игданит, Аммонит №6ЖВ ва Детонит 15А10 портловчи моддалари шпур зарядлари энергетик кўрсаткичларининг ўзгариши зарядлаш коэффициентига боғлиқлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тоғ жинсларини парчалаш кўрсаткичлари ва майдаланиш самарадорлигининг юқори бўлишини таъминловчи шпур зарядининг ён томонларида ҳаволи бўшлиқ қолдирилган янги конструкцияси ишлаб чиқилган;

ён томонларида ҳаволи бўшлиқ қолдирилган кичик диаметрли патронланган Игданит зарядидан амалда фойдаланиш соҳалари аниқланган;

шпурнинг бирлик узунлигига тўғри келадиган ҳар хил турдаги Игданит, Детонит 15А10 ва Аммонит №6ЖВ портловчи моддалари солиштирма энергияларининг заряд диаметрига боғлиқлиги аниқланган ва шу асосида оддий таркибли портловчи моддаларни томирсимон руда конларини қазиб олишда қўллаш методикаси ишлаб чиқилган;

ҳар хил турдаги Игданит, Детонит 15А10 ва Аммонит №6ЖВ саноат портловчи моддалар зарядларининг солиштирма потенциал энергиясини шпур диаметри ва заряд зичлигига боғлиқлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги бурғилаш ва портлатиш ишларини олиб боришнинг самарали кўрсаткичлари ва усуллари бўйича ишнинг асосий ғоясини қониқтирувчи ва миқдорий тасдиқловчи меҳнат сарфининг пасайиши ва шпур зарядлари детонацияланиш ишончлилиги ошиши шунингдек ер ости кон ишларида портлатиш ишлари ижобий натижаларини таъминловчи шпур зарядларининг янги конструкциясида ўтказилган кўп сонли саноат тажриба синовлари билан исботланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти рудаларни ҳар хил турдаги портловчи моддалар билан парчалашда атроф тоғ жинсларининг аралашиб кетиш коэффициенти ва руда нисбий сифатсизланиш коэффициенти ўзгаришининг шпур заряди диаметрига боғлиқлигининг илмий асосларини ишлаб чиқиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти портлатиш ишларида оддий таркибли Игданит портловчи моддаси шпур заряди янги конструкциясини қўллаш орқали портлашнинг тоғ жинслари массивига бризантли таъсири ва портлаш вақтида ажралиб чиқадиган захарли газлар миқдорининг кам бўлишини таъминлаш билан тавсифланиб, ер ости кон ишлари олиб борилиши хавфсизлиги ва самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ер ости кон ишларида бурғилаш-портлатиш ишларини олиб бориш усуллари ва кўрсаткичлари ҳамда меҳнат сарфининг кам бўлиши ва шпур зарядлари ишончли детонацияланишини таъминловчи шпур зарядлари янги конструкцияси бўйича олинган илмий натижалар асосида:

томирсимон руда конларини ер ости усулида қазиб олишда портловчи модда шпурли зарядлари таъсирида кон массиви парчаланиш ҳудуди ўлчамларини аниқлаш услуги «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖ «Кўчбулоқ» шахтаси «Узун» участкасида амалиётга жорий этилган («Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖнинг 2021 йил 17 мартдаги АА-002414-сон маълумотномаси). Натижада, портлатиш ишларини олиб боришда тоғ жинси массиви ичида дарзликлар ҳосил бўлиш ҳудуди максимал радиусини аниқлаш имконини берган;

томирсимон руда конларини ер ости усулида қазиб олишда оддий таркибли портловчи моддалар қўлланилишини тадқиқ қилиш услуги «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖ «Қайрағоч» шахтасида амалиётга жорий этилган («Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖнинг 2021 йил 17 мартдаги АА-002414-сон маълумотномаси). Натижада, портлатиш ишларида тоғ жинси майдаланиш самарадорлигини пасайтирмасдан портлашнинг тоғ жинси массивига бризантли таъсирини камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та республика ва 2 та халқаро илмий-техник ва илмий-амалий анжуманларда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 1 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 108 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотнинг долзарблиги ва унга бўлган талаб, тадқиқот мақсади ва вазифалари асосланган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга қўлланилиши, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши келтирилган.

«Томирсимон руда конларини ер ости усулида қазиб олишда рудани массивдан ажратиш олиш технологияси бўйича адабиётлар таҳлили» деб номланган биринчи бобда рудаларни парчалаш усуллари таснифи келтирилган, фойдали қазилма конларини қазиб олишда тоғ жинси массивини парчалаш бўйича олиб борилган тадқиқот ишлари таҳлил

қилинган. Портлаш энергиясидан фойдаланиш коэффициентини паст (3-15 %) бўлишига қарамасдан кончилик саноатида рудаларни бурғилаш-портлатиш усулида массивдан ажратиб олиш усули кенг қўлланилади. Фойдали қазилмаларнинг 70 % га яқин қисми бурғилаш-портлатиш усули ёрдамида массивдан ажратиб олинади. Бунда тоғ жинси массивини парчаланнинг шпур ёки скважина (қудук) усулларида фойдаланилади.

Тадқиқотлар таҳлили шуни аниқлаш имконини бердики, тоғ жинсларини портлаш таъсирида парчаланнинг янги усуллари ишлаб чиқиш ёки мавжуд усуллари такомиллаштириш учун руда ва атропо тоғ жинслари технологик хоссалари, руда танаси ётишининг кон-геологик шароити, қазиб олинган массив кон-технологик ва физик-техик тавсифларини ўрганиш лозимлигини келтириб чиқаради.

Томирсимон руда конларини ер ости усулида қазиб олишда рудани парчалаш усули бўйича кўп сонли тажрибавий ишлар олиб борилган бўлишига қарамасдан, кичик қалинликдаги нишаб, қия ва тик ётувчи томирсимон конларни қазиб олишнинг самарали усулини танлашнинг умумий қонуниятини ҳозиргача аниқланмаган.

«Кичик қалинликдаги томирсимон руда конларини ер ости усулида қазиб олишда тоғ жинси массивининг портловчи модда заряди портлаши таъсирида парчаланниш ҳудуди ўлчамларини назарий тадқиқ қилиш» деб номланган иккинчи бобда қояли тоғ жинсларини портловчи модда зарядлари билан портлатишда тоғ жинси массивининг эркин юза яқини ва чегараланмаган муҳитда парчаланниши, тоғ жинси массиви ичида заряд портлатилганда парчаланниш механизми тадқиқ қилинган.

Қояли тоғ жинсларида портловчи модда цилиндрсимон заряди портлаши таъсирининг газодинамика қонунларини ўрганиш асосида тоғ жинси массиви ичида тоғ жинслари мустақамлигининг кучсизланишини тавсифловчи математик модел ишлаб чиқилган.

Портлаш вақтида тоғ жинси массиви ичида юзага келадиган дарзлик ҳосил бўлиш ҳудудининг максимал радиуси портловчи модда заряди радиусига, портлатиш шароитини ҳисобга олувчи коэффициентга, тоғ жинсларининг акустик қаттиқлиги ва Пуассон коэффициентига тўғри пропорционалиги ва чўзувчи радиал кучланишга тесқари пропорционалиги аниқланган. Тоғ жинси массиви ичида юзага келадиган дарзлик ҳосил бўлиш ҳудудининг максимал радиуси ўзгариши бўйича аниқланган боғлиқлик парабола қонуниятини бўйича тавсифланади.

«Томирсимон руда конларини қазиб олишда оддий таркибли портловчи моддалар қўлланилишини тадқиқ қилиш» деб номланган учинчи бобда тадқиқотнинг комплекс усуллари ишлаб чиқилган. Биринчи босқичда ҳар хил турдаги Игданит, Детонит 15А10 ва Аммонит №6ЖВ портловчи модда зарядлари солиштирма энергиясини уларнинг диаметрига боғлиқлигини аниқлаш бўйича тажриба-синов ишлари олиб борилган. Олинган маълумотлар шуни кўрсатадики, шпур диаметри 28, 32, 36, 40 ва 44 мм гача ортиши билан Детонит 15А10 портловчи моддаси зарядининг

потенциал энергияси мос ҳолда 264, 360, 465, 484 ва 725 минг.кгм/м гача ортиб боради. Худди шундай диаметрли шпурларда Игданит портловчи моддаси заряди потенциал энергияси мос ҳолда 311, 405, 467, 505 ва 520 минг.кгм/м ни ташкил этади. Олинган маълумотлар шуни кўрсатадики, шпур диаметри 28 мм дан 36 мм гача орттирилганда Игданит портловчи моддаси зарядининг потенциал энергияси Детонит 15А10 портловчи моддаси заряди потенциал энергиясидан юқори бўлади, шпур диаметри 36 мм бўлганда ҳар иккала портлови модда зарядлари потенциал энергиялари тенглашади, шпур диаметрини 40 мм ва ундан ҳам орттирилганда Детонит 15А10 портловчи моддаси потенциал энергияси юқори бўлишини кўрсатди.

Иккинчи босқичда ҳар хил турдаги портловчи модда шпур зарядлари энергетик кўрсаткичларини аниқлаш бўйича тадқиқот ишлари олиб борилди. Тадқиқот ишлари 32, 34, 38 ва 42 мм диаметрли шпурларда амалга оширилди. Тажриба-синовларида Игданит, Аммонит №6ЖВ ва Детонит 15А10 портловчи моддаларининг патронланган 24, 26, 28, 32, 36, 38 ва 42 мм диаметрли зарядлари қўлланилган.

Учинчи босқичда ҳар хил турдаги портловчи модда шпур зарядлари энергетик кўрсаткичларини аниқлашда шпурлар диаметри 32, 34, 36, 38 ва 42 мм, заряд диаметри 24, 26, 28, 32, 36 ва 42 мм қилиб олинди.

Тўртинчи босқичда шпурдан фойдаланиш коэффициентини Игданит таркибидаги дизел ёқилғиси миқдорига боғлиқлиги тадқиқ қилинди. Олинган маълумотлар шуни кўрсатадики, Игданит таркибидаги дизел ёқилғисининг миқдори 5,5 % дан 5,8 % гача бўлганда лаҳим ўтиш ва қазиб олиш кавжойларида портлашнинг максимал самарадорлигига эришиш мумкин.

Бешинчи босқичда рудникда портлатиш ишларидан сўнг ҳаво таркиби таҳлили бўйича тадқиқот ишлари бажарилди. Ҳаво намуналари кавжойдан 10 м масофада портлатиш ишларидан сўнг 30 дақиқа вақт ўтгач вентиляторлар ишлаб турган ҳолатида олинди. Тадқиқот ишлари натижасида Игданит портловчи моддасининг афзалликларидан бири, портлаш вақтида ажралиб чиқадиган захарли газлар миқдорининг камлиги аниқланган. Тажриба-синов ишлари шуни кўрсатадики, Игданит портловчи моддаси заряди портлатилганда Қояли аммонит №1 портловчи моддасига нисбатан 10-15 марта кам миқдорда захарли газлар ажралиб чиқади.

Олтинчи босқичда руда танаси ва атроф тоғ жинслари нотурғун бўлганда кичик диаметрли шпурларда юқори бризантли патронланган (Детонит 15А10) ва ўрта бризантли (Аммонит №6ЖВ) портловчи моддаларни Игданит портловчи моддасига алмаштиришни асослаш мақсадида ён томонларида ҳаволи бўшлиқ қолдирилган портловчи модда заряди энергиясининг руда сифатсизланишига таъсири тадқиқ қилинди. Тадқиқот ишлари қазиб олиш ва лаҳим ўтиш кавжойларида олиб борилди.

Еттинчи босқичда портлатиш ишлари бўйича таниқли мутахассислар томонидан кўрсатилган ён томонларида ҳаволи бўшлиқ қолдирилган заряд конструкцияси портлаш жараёнининг физик моҳияти ва тоғ жинсини парчалаш кўрсаткичларига сезиларли таъсир қилиши ўрганилди: портловчи

модда заряди ва шпур девори орасида қолдириладиган ҳаволи бўшлиқ портлаш бош қисми импульси ва унинг бризантли таъсирини пасайтириши билан бир вақтда портлашнинг умумий иш бажариш қобилияти (фугаслиги) самарадорлигини кўпайтириши аниқланди. Шу билан бир қаторда томирсимон руда таналарини қазиб олиш амалиётида ушбу масалага етарлича эътибор қаратилмаганлиги маълум. Оддий таркибли портловчи моддаларни амалиётга тадбиқ этиш, уларнинг бризантли таъсирини камайтириш ва томирсимон руда таналарини парчалашнинг сифат кўрсаткичлари яхшиланиши бўйича афзалликлари мазкур шароитларда портловчи модда тури ва портловчи модда зарядининг оқилона конструкциясини яратиш ва тадқиқ этиш йўналишларини аниқлаб берди.


Заряд ён томонларида қолдириладиган ҳаволи бўшлиқ қийматини 5 мм дан 14 мм гача ўзгартириш орқали тадқиқот ишлари олиб борилди. Таҷрибавий портлатиш ишларида заряд ён томонларида қолдириладиган ҳаволи бўшлиқ қиймати, минимал (5 мм) дан портловчи модда заряди детонация узатиши тўхтагунга қадар катта қийматлардаги диаметрларда амалга оширилди. Бунда патрондаги Игданит зичлиги 0,95 дан 1,15 г/см³ гача ўзгартирилди.

Тадқиқот ишлари натижасида ён томонларида ҳаволи бўшлиқ қолдирилган заряд конструкцияси портлаш жараёнининг физик моҳияти ва тоғ жинсини парчалаш кўрсаткичларига сезиларли таъсир қилиши ҳамда заряд ва шпур девори орасида қолдириладиган ҳаволи бўшлиқ портлаш бош қисми импульси ва унинг бризантли таъсирини пасайтириши билан бир вақтда портлашнинг умумий иш бажариш қобилияти (фугаслиги) самарадорлигини кўпайтириши аниқланди.

«Нотурғун атроф тоғ жинслари орасида ётган кичик қалинликдаги томирсимон рудаларни оддий таркибли портловчи модда зарядлари ёрдамида массивдан ажратиб олиш технологиясини ишлаб чиқиш» деб номланган тўртинчи бобда Игданит ва Детонит 15А10 портловчи моддалари 36 мм диаметрли шпур зарядлари ёрдамида парчалашда руда сифатсизланиш даражаси ўзгаришининг тоғ жинси мустаҳкамлигига боғлиқлиги аниқланди (1-расм). Тадқиқот ишлари натижасида тоғ жинси мустаҳкамлиги $f=5$ бўлганда Детонит 15А10 ва Игданит ёрдамида массивдан ажратиб олишда руда сифатсизланиш кўрсаткичи мос ҳолда 2,3 ва 1,2 % га тенг бўлиши аниқланди. Тоғ жинси мустаҳкамлиги $f=12$ гача орттирилганда ва ундан юқори бўлганда Детонит 15А10 ва Игданит ёрдамида массивдан ажратиб олишда руда сифатсизланиш кўрсаткичи мос ҳолда 0,4 ва 0,2 % га тенг бўлиши аниқланди.


Шунингдек, Игданит ва Детонит 15А10 портловчи моддалари зарядлари ёрдамида рудани массивдан ажратиб олишда атроф тоғ жинслари аралашиб кетиш коэффициентининг шпур заряди диаметрига боғлиқлиги аниқланди (2-расм). Шпур заряди диаметри 32 мм бўлганда атроф тоғ жинсларининг аралашиб кетиш коэффициенти Игданит ва Детонит 15А10 зарядлари ёрдамида рудани массивдан ажратиб олишда мос ҳолда 0,55 ва 0,8 ни

ташқил этди. Шпур заряди диаметри 44 мм гача орттирилганда аралашиниш коэффициенти ҳам мос ҳолда 0.85 ва 1,15 гача ортиши билан кечади.



1 – Игданит; 2 – Детонит 15А10;
 $d_{ш} = 36$ мм


1-расм. Шпур зарядлари ёрдамида массивдан ажратиб олишда руда сифатсизланиш даражаси ўзгаришининг тоғ жинси мустаҳкамлигига боғлиқлиги



1 – Игданит; 2 – Детонит 15А10

2-расм. Портловчи модда зарядлари ёрдамида рудани массивдан ажратиб олишда атроф тоғ жинслари аралашиб кетиш коэффициентининг шпур заряди диаметрига боғлиқлиги


Нотурғун ва мустаҳкам атроф тоғ жинслари орасида ётган рудани Детонит 15А10 ва Игданит портловчи моддалари зарядлари ёрдамида массивдан ажратиб олишда руда сифатсизланиш коэффициентининг портловчи модда шпур заряди диаметрига боғлиқлиги аниқланди. Тадқиқотлар натижасида нотурғун атроф тоғ жинсларида шпур заряди диаметрини 30 мм дан 44 мм гача орттирилганда руда сифатсизланиш коэффициенти 1,6 дан 1,1 гача пасайиши, мустаҳкам атроф тоғ жинсларида эса руда сифатсизланиш коэффициенти 1,2 дан 1,03 гача пасайиши аниқланган (3-расм).



1 – нотурғун атроф тоғ жинсларида; 2 – мустаҳкам атроф тоғ жинсларида

3-расм. Детонит 15А10 ва Игданит билан портлатишда руда сифатсизланиш кўрсаткичининг шпур заряди диаметрига боғлиқлиги

Саноат шароитида ён томонларида ҳаволи бўшлиқ қолдирилган портловчи модда шпур зарядини ҳосил қилиш схемаси ишлаб чиқилган (4-расм). Оралиқ детонатор портлаши натижасида ҳосил қилинадиган бошланғич импульс таъсирида портловчи модда патронланган заряди портлаганда D тезлик билан тарқалувчи детонация тўлқинлари ҳосил бўлади. Детонация тўлқини маҳсулотлари натижасида заряд ва шпур девори орасидаги бўшлиқда ўзига хос газли поршен-зарбли ҳаволи тўлқин ҳосил бўлиб, ω тезликда тарқалади. Шпур девори ва заряд орасидаги бўшлиқда ҳосил бўладиган зарбли тўлқин газодинамика умумий қонуниятларига кўра газли поршендагига нисбатан юқори тезликда тарқалиши билан тавсифланади.



1 – шпур; 2 ва 5 – портловчи модда патронланган зарядини марказлаштириш учун пластмасса тагликлар; 3 – портловчи модда патронланган заряди; 4 – заряд ён томонларида қолдириладиган ҳаволи бўшлиқлар; 6 – портловчи модда патронланган зарядига бошланғич туртки берувчи оралиқ детонатор; 7 – шпур зарядини забойкалаш учун ёғоч

4-расм. Ён томонларида ҳаволи бўшлиқ қолдирилган портловчи модда шпур зарядини ҳосил қилиш схемаси

Саноат тажрибалари ёрдамида шпур девори ва заряд орасидаги бўшлиқда зарбли тўлқин юзага келганда детонация фронти олд қисмидаги портловчи модда заряди зичлашади, айниқса бу ҳолат кам қувватга эга бўлган портловчи моддаларда сезиларли даражада бўлиши аниқланган.

Портловчи модда заряди бўйлаб сиқувчи тўлқинларнинг тарқалиши натижасида патронланган заряд контакт юзасида портловчи моддада юзага келадиган конуссимон зичлашиш соҳаси детонация тўлқини фронти учун асос бўлиб хизмат қилади. Портловчи модда патронланган заряди деформацияланиш даражаси портловчи модда физик хоссаларидан ташқари зарбли тўлқин узунлиги ва босимига боғлиқ.

ХУЛОСА

«Нотурғун атроф тоғ жинслари орасида ётган кичик қалинликдаги томирсимон конларни ер ости усулида қазиб олишда массивдан ажратиб олиш технологиясини асослаш ва ишлаб чиқиш» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотларга асосланган ҳолда, назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Портловчи модда цилиндрик камуфлет заряди таъсирини кон массивининг ичида дарзликлар ҳосил бўлиш ҳудудини ёритиб беришнинг математик модели ишлаб чиқилган.

2. Физик моделлаштириш услубини ишлаб чиқиш натижасида портловчи модда цилиндрик камуфлет заряди портлатилганда зарбали ва очик бўлган юзадан қайтган зўриқиш тўлқинлари энергияси таъсирида кон массивининг ичида дарзликлар ҳосил бўлиш ҳудуди ўлчамлари аниқланган.

3. Эластиклик қонунлари назариясидан фойдаланиб, кон массиви ичида дарзликлар ҳосил бўлиш ҳудуди радиуси портловчи модда заряди радиусига, портлатиш шароитини ҳисобга олувчи коэффицентга, тоғ жинсларининг акустик қаттиқлиги ва Пуассон коэффицентига тўғри пропорционаллиги ва чўзувчи радиал кучланишга тесқари пропорционаллиги аниқланган. Кон массиви ичида дарзликлар ҳосил бўлиш ҳудуди максимал радиусининг ўзгарувчанлиги бўйича аниқланган боғлиқлик парабола қонунияти бўйича тавсифланади.

4. Ҳар хил турдаги портловчи модда зарядининг шпур бирлик узунлигига тўғри келадиган солиштирма энергияси ўзгариши унинг диаметрига боғлиқ бўлади. Игданитни қўллаганда кичик диаметрдаги шпурларнинг қўлланилиши доимий ишлатиладиган портловчи моддаларни қўллашдаги билан солиштирилганда, заряддаги энергиянинг бир жойда йиғилиши юқори миқдорда бўлиши ҳисобига рудани массивдан ажратиб олишнинг асосий кўрсаткичларини яхшилади, томирсимон руда конларида амалда оддий таркибли портловчи моддаларни қўллаш услуби шу асосда ишлаб чиқилди.

5. Саноат тадқиқотларини ўтказиш жараёнида Игданитни қўллашнинг

бошқа турдаги портловчи моддалар билан солиштирилганда сезиларли афзалликларидан бири, портлатиш вақтида ҳосил бўладиган захарли газлар микдорининг кам эканлиги аниқланган. Тадқиқотлар давомида Игданит портлаганда одатдаги портловчи модда зарядлари портлагандагига нисбатан захарли газлар 10-15 марта кам ҳосил бўлиши аниқланди.

6. Тадқиқотлар натижасида ён томонларида ҳаволи бўшлиқ қолдирилган шпур заряди конструкцияси портлашнинг физик моҳиятига ва рудаларни парчалаб, ажратиб олиш кўрсаткичига сезиларли таъсир кўрсатиши аниқланди. Шпур девори ва заряд орасида қолдириладиган ҳаволи бўшлиқ портлаш бош қисми импульси ва бризантлигини камайтириши билан бир вақтнинг ўзида портлашнинг умумий иш бажариш қобилияти (фугаслиги) кўрсаткичини оширади.

7. Тадқиқотлар олиб бориш натижасида Игданит шпурли зарядларини қўллашда 37-46 мм диаметри шпурларда заряд ва шпур деворлари орасида қолдириладиган ҳаволи бўшлиқ катталиги 5-14 мм бўлиши ва шпур диаметри 50 мм гача оширилганда бўшлиқнинг максимал катталигини 18 мм гача етказиш мумкинлиги имкони пайдо бўлади.

8. Рудани массивдан Игданит ва Детонит-15А10 портловчи моддалари 36 мм диаметри шпурли зарядлари ёрдамида парчалашда руда сифатсизланиш даражаси ўзгаришининг тоғ жинси мустаҳкамлигига боғлиқлиги аниқланди. Тадқиқот ишлари натижасида тоғ жинси мустаҳкамлиги проф. М.М. Протодьяконов шкаласи бўйича $f=5$ бўлганда, Детонит 15А10 ва Игданит ёрдамида массивдан ажратиб олишда руда сифатсизланиш кўрсаткичи мос ҳолда 2,3 ва 1,2 % га тенг бўлиши аниқланди. Тоғ жинси мустаҳкамлиги $f=12$ гача орттирилганда ва ундан юқори бўлганда Детонит-15А10 ва Игданит ёрдамида массивдан ажратиб олишда руда сифатсизланиш кўрсаткичи мос ҳолда 0,4 ва 0,2 % га тенг бўлиши аниқланди.

9. Игданит ва Детонит 15А10 портловчи моддалари зарядлари ёрдамида рудани массивдан ажратиб олишда атроф тоғ жинслари аралашиб кетиш коэффицентининг шпур заряди диаметрига боғлиқлиги аниқланди. Шпур заряди диаметри 32 мм бўлганда атроф тоғ жинсларининг аралашиб кетиш коэффиценти Игданит ва Детонит 15А10 зарядлари ёрдамида рудани массивдан ажратиб олишда мос ҳолда 0,55 ва 0,8 ни ташкил этди. Шпур заряди диаметри 44 мм гача орттирилганда атроф тоғ жинслари аралашиб коэффиценти ҳам мос ҳолда 0,85 ва 1,15 гача ортиши билан кечади.

10. Нотурғун ва мустаҳкам атроф тоғ жинслари орасида ётган рудаларни Детонит 15А10 ва Игданит портловчи моддалари зарядлари ёрдамида массивдан ажратиб олишда руда сифатсизланиш коэффиценти ўзгаришининг портловчи модда шпур заряди диаметрига боғлиқлиги аниқланди. Нотурғун атроф тоғ жинсларида шпур заряди диаметри 30 мм дан 44 мм гача орттирилганда руда сифатсизланиш коэффиценти 1,6 дан 1,1 гача, мустаҳкам атроф тоғ жинсларида эса руда сифатсизланиш коэффиценти 1,2 дан 1,03 гача пасаяди.

11. Ишлаб чиқилган технология «Олмалиқ кон металлургия

комбинати» АЖ га қарашли «Кўчбулоқ» ва «Қайрағоч» шахталари шароитида синовдан ўтказилган ва томирсимон рудаларни қазиб олишнинг ҳозирги кунда мавжуд бўлган усуллари билан солиштирилганда уларга нисбатан ўзининг иш бажара олиш қобилияти самарадорлиги юқори эканлигини кўрсатди. Таклиф этилаётган техник ечимларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этганда йиллик иқтисодий самарадорлик 51,7 млн. сўмни ташкил этади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.17/30.12.2019.Т.06.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
НАВОЙСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ ГОРНОМ ИНСТИТУТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТЕХНИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ ИМ. ИСЛАМА КАРИМОВА**

ХАСАНОВ ОБИД АБДУЛЛАЕВИЧ

**ОБОСНОВАНИЕ И РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИИ ОТБОЙКИ ПРИ
ПОДЗЕМНОЙ РАЗРАБОТКЕ МАЛОМОЩНЫХ ЖИЛЬНЫХ
МЕСТОРОЖДЕНИЙ ЗАЛЕГАЮЩИХ В НЕУСТОЙЧИВЫХ
ВМЕЩАЮЩИХ ПОРОДАХ**

04.00.10 – Геотехнология (открытая, подземная и строительная)

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии по техническим наукам (PhD)**

Навои – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №B2020.4.PhD/T675.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном техническом университете им. Ислама Каримова.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.ndki.uz) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель:	Норов Юнус Джумаевич доктор технических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Мислибаев Илхом Туйчибаевич доктор технических наук, профессор Махмудов Дилмурод Рахматжонович доктор философии (PhD) по техническим наукам, доцент
Ведущая организация:	филиал «Национального исследовательского технологического университета «МИСиС» в г. Алмалык

Защита диссертации состоится 17 апреля 2021 года в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.17/30.12.2019.T.06.01 (адрес: 210100, г. Навои, ул. Галаба шох, 127. Зал заседаний Навоийского государственного горного института. Тел.: 0 (436) 223-23-32; факс: 0 (436) 223-49-66; e-mail: info@ndki.uz, nsmi@gmail.com).

С докторской диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Навоийского государственного горного института (зарегистрирован за №71). Адрес: 210100, г. Навои, ул. Галаба шох, 127. Здание ректората НГТИ, 1-й этаж. Тел.: 0 (436) 223-23-32; факс: 0 (436) 223-00-55.

Автореферат диссертации разослан 3 апреля 2021 года.

(реестр протокола рассылки №32 от 3 апреля 2021 года).



[Signature]

К.С.Санакулов

Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

[Signature]

Ш.Ш.Заиров

Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

[Signature]

И.Т.Мислибаев

Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире маломощные жильные месторождения характеризуются сложным геологическим строением, неравномерным распределением запасов, весьма ограниченными размерами очистного пространства, изменчивостью устойчивости руд и вмещающих пород. Для применяемых традиционных технологий выемки жильных месторождений характерны сравнительно низкая производительность труда, большие потери руды и металла и высокий уровень разубоживания. В настоящее время уделяется особое внимание совершенствованию технологии выемки маломощных жильных месторождений и разработке эффективных и безопасных технологий отработки маломощных жил, залегающих в неустойчивых вмещающих породах.

На сегодняшний день в мире ведутся научные исследования по разработке технологии отбойки руд при подземной добыче маломощных рудных тел, применению простейших составов взрывчатых веществ (ВВ) при разработке жильных месторождений, разработке научных основ изменения коэффициента примешивания пустых пород и коэффициента относительного разубоживания руды в зависимости от диаметра шпурового заряда при отбойке руды различными типами ВВ. В связи с этим необходимо исследование и создание новой конструкции шпуровых зарядов ВВ при разработке жильных месторождений и разработка технологии отбойки руд при подземной разработке маломощных жильных месторождений.

В республике получен ряд научно-практических результатов выполненных работ по отбойке руд при подземной разработке маломощных жильных месторождений залегающих в неустойчивых вмещающих породах, повышению эффективности использования взрывных технологий, разработке способа взрывания, обеспечивающего снижение потерь и разубоживания руды и др. В Стратегии действия по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены задачи «дальнейшей модернизации и диверсификации промышленности путем перевода ее на качественно новый уровень, направленных на опережающее развитие высокотехнологичных обрабатывающих отраслей, прежде всего по производству готовой продукции с высокой добавленной стоимостью на базе глубокой переработки местных сырьевых ресурсов»¹. В связи с этим большую научно-практическую значимость имеет разработка ресурсосберегающих технологий ведения буровзрывных работ при подземной разработке маломощных жильных рудных тел, залегающих в неустойчивых вмещающих породах.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указах Президента Республики

¹ Указ Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан»

